Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 9 ноябрь, пайшанба. №137. (21.900). Сотувда эркин нархда.

ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗИ

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби юксак баҳоланмоқда.

Жеймс УОЛФЕНСОН,
Жаҳон банки президенти:

Республика раҳбариятининг ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида юритаётган сиёсати Жаҳон банки учун ҳам хос бўлган инсонпарварлик ғоялари билан ҳамоҳангдир. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби билан танишар эканман, мен бунга яна бир бор амин бўлдим.

Леонид АБАЛКИН,
Россия Фанлар академияси Иқтисодиёт институти директори, академик:

Ислом Каримовнинг китоби — кабинетда ўтириб қилинган мулоҳазалар меваси эмас. Китоб чуқур мулоҳазалар, бошқа мустақил республикаларда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш пайтида йўл қўйилган хатолардан чиқарилган хулосалар натижасида майдонга келди. Шунинг учун ҳам бу китоб Россияда ҳам, бошқа давлатларда ҳам сиёсатчи ва иқтисодчиларнинг эътиборини қозонмоқда.

Леонид ТАРАСЕВИЧ,
Санкт-Петербург Иқтисодиёт ва молия университети ректори, Россия Иқтисодий фанлар академияси академиги:

Бу китоб ўзбек халқининг фаровонлик ва равнақ сари ҳаракатининг аниқ йўллари ҳақида тўла тасаввур берадиган амалий ва илмий асардир.

Мурод ШАРИФХЎЖАЕВ,
академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби:

Теран ва оташин ватанпарварлик ҳисси, буюк келажакка ишонч туйғуси билан яратилган бу китоб ҳар бир зиёли, фуқаро, ҳар бир китобхон қалбида муносиб ўрин эгаллаши шубҳасиз. Мамлакатимизда изчил суръатлар билан бораётган ислоҳотлар эртага қандай мевалар бериши яққол кўриниб турибди. Оқибати олдиндан англанилган улуғвор режалар, бу йўлдаги фидокорона меҳнат халқнинг бахти, ёруғ келажагидан далолат беради. Шу жиҳатдан ҳам ҳурматли Президентимизнинг бу китоби миллионлаб ватандошларимиз учун тараққиёт ва фаровонлик дастури бўлиб хизмат қилади.

Виктор БОКОВНЯ,
«Лениздат» нашриётининг директори:

Биз дунёдаги етакчи иқтисодчи ва сиёсатшуносларнинг китобларини нашр этамиз. Ўзбекистон Президенти, у юргизаётган сиёсат кўплаб мамлакатларда, жумладан, Россияда ҳам улкан нуфузга эга.

Рубен САФАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси:

Ислом Каримовнинг китоби Ўзбекистон ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг, янги бозор муносабатларига ўтишнинг ўзигагина хос бўлган йўлни танлаб олганини яна бир бор ёркин намойиш қилади... Ислоҳотларни аҳолини муҳофаза қилиш бўйича кучли чора-тадбирлар билан қўшиб олиб бориш механизми Украина, Беларусь ва МДҲдаги бошқа мамлакатларда катта қизиқиш уйғотди.

Ақраб

Ўзбекистонда кеч куз.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

8 ноябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Жазоир Халқ - демократик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Бенамер Моҳанд Ақлий унинг илтимосига биноан қабул қилинди.

Ўзаро ишонч руҳида ўтган суҳбатда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов республикамизда Президентимиз И. А. Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган туб иқтисодий, сиёсий, маънавий ислоҳотлар ва уларни амалга ошириш ҳамда жамиятимиз сиёсий тизимида партиямизнинг ўрни ҳақида сўзлаб берди.

Жазоир элчиси самимий қабул учун миннатдорчилик билдириб, мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш иккала томон учун ҳам ўзаро манфаатли эканлигини таъкидлади.

Қабулда Марказий Кенгаш котиблари И. Кочмарик ва Ҳ. Авезов иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ПАХТА-ВАТАНГА

ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 8 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан буён
АНДИЖОН	**0,02**	**111,48**
НАМАНГАН	**0,06**	**105,71**
ФАРҒОНА	**0,10**	**105,00**
ХОРАЗМ	**0,01**	**104,76**
НАВОИЙ	**0,13**	**102,30**
БУХОРО	**0,07**	**101,13**
ТОШКЕНТ	**0,16**	**100,66**
Қашқадарё	0,33	99,49
Сурхондарё	0,52	93,52
Самарқанд	0,45	92,27
Қорақалпоғистон Республикаси	0,37	90,74
Сирдарё	0,31	88,38
Жиззах	0,36	86,18
Республика бўйича	**0,23**	**98,43**
1994 йилда	**0,17**	**95,96**

ТУРКИСТОН – УМУМИЙ УЙИМИЗ

Қуҳна Туркистон заминида яшаётган эзгу ниятли кишиларнинг кўнгил тубидаги азалий орзуси — Туркистон халқлари маданиятларининг муштараклигини таъминлаш мақсадида беш қўшни мамлакат вакиллари иштирокида ноябрь ойининг иккинчи декадасида Тошкентда ўтадиган катта **ФОРУМГА** тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Ана шу анжуманни ўтказиш ташкилий қўмитаси ҳузурида унинг ҳисоб рақами очилди. Қардош халқларимизнинг асрий орзуси бўлган бу эзгу ниятга ҳисса қўшишни хоҳловчи ташкилотлар, корхоналар, хўжаликлар, фирмалар ва шахслар қуйидаги ҳисоб рақамига пул ўтказишлари мумкин: **Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида 70000045**

МФО 172682116

Корреспондент ҳисоб рақами 200165914

Электрон почта билан:

Ҳисоб рақами 70000045

Марказий банкнинг ҳисоб-клиринг марказидаги ҳисоб рақами 000905001

МФО 172682214

Ҳисоб рақамига ўз маблағларидан истаган миқдорда пул ўтказиб, бу улкан анжуман **ташвиқот — реклама** имкониятларидан фойдаланишлари мумкин.

КАРТОШКА ЎРНИГА АЧЧИҚ ПИЁЗМИ?

Таққослашга ҳожат йўқ. Картошка ўрнини пиёз, шолғом ўрнини эса сабзи босадими? Ҳар бир таом ва масалиқнинг ўз ўрни бор. Бироқ қани энди ана шу маҳсулотларнинг ҳаммаси ҳам сероб бўлса. Ҳозир бозорда картошка 13-14 сўм, пиёз эса 3-4 сўмдан. Айниқса қиш эшик қоқаётган паллада сабзавот маҳсулотларининг бозори янада чаққон. Картошка эса гўшт сингари қўлма- қўл. Хўш шундай экан, қишки етгулик маҳсулотларимиз борми? Омборларимиз сабзавотга тўлиқми?

Афсуски, бу саволга Навоий вилояти тайёрлов савдо харид уюшмасидаги ўртоқлар (уюшма бошқаруви раиси А.Маҳмудов) елка қисишдан нарига ўтиша олмайди. Чунки уюшманинг баҳайбат омборлари қуп-қуруқ. Бундай дейишга етарли далилимиз бор. Уюшма бўйича бу мавсумда 2 минг тонна картошка, 4 минг тонна сабзавот маҳсулотлари жамғарилиши, 200 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қайта ишланиши керак эди. Амалдачи? Тамоман бунинг акси! Ёз ўтиб, куз охирлаб қолибдики, уюшма «ишбилармонлари» банкма-банк югуриб маблағ излаш билан сарсон бўлиб юришибди. Маблағ йўқ. Тўғри-да, уюшма қарзга ботгач маблағ қаердан бўлсин! Бир қатор шаҳар ва туман савдо идораларини қўйиб турайлик, биргина Навбаҳор ва Конимех туманлари

Қўнғироқ

тайёрлов-савдо идораларининг ўзидагина 10 миллион сўмдан ортиқ қарз бор. Бу сингари аҳвол эса картошка келтиришга, сабзавот йиғишга имкон бермаяпти. Ҳамдўстлик мамлакатларидан, жумладан Россиядан бемаблағ картошка келтириш амри-маҳол. Бунинг оқибатида режа ва топшириқлар аро йўлда қолиб кетяпти. Омборларда ҳозир жами 80 тонна картошка, 600 тонна сабзипиёз бор, холос. Масалага аниқроқ ёндошадиган бўлсак, денгиздан томчи миқдорида йиғилган бу маҳсулотлар билан декабрь ойини ҳам ўтказиб бўлмайди. Бироқ шуни қайд этиш керакки, имкон излаганлар, тадбиркор нажотсиз қолмас экан. Навоий, Нурота туманлари тайёрлов-савдо уюшмаларида ёки Навоий шаҳридаги мева-сабзавот савдоси корхонасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва қишга ғамлаб қўйиш шу кун талаби даражасида. Аммо Томди, Навбаҳор, Конимех туманларида вазият ниҳоятда ташвишли. Навбаҳорликлар 150 тонна картошка ўрнига 17 тонна, 600 тонна сабзавот ўрнига 50 тонна тайёрлашган, холос... Конимех ва Томди тайёрлов-савдо уюшмаларида эса бир килограмм ҳам картошка ва сабзавот маҳсулотлари йўқ. Томдиликлар ҳам, конимехликлар ҳам қўл учида жамғарилган бир ҳовуч пиёз ва саримсоқпиёзга ишонишиб ўтиришибди.

Хуллас, Навоий вилоятида сабзавот маҳсулотларини жамғариш ва уни сақлаш ночор аҳволда. Агар мутасадди ўртоқлар шошилинч чоралар кўришмаса, эртанги совуқ кунларда шолғомдек қизариб қолишлари ҳеч гап эмас!

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҒАРОЙИБ НУР СИРЛАРИ

...1895 йилнинг кеч кузи. Аниқроғи, 8 ноябрь кечаси эди. Германиянинг Вюрцбург доралфунуни физика лабораториясида Рентген исмли профессор ичидан ҳавоси тортиб олинган (вакуум) трубкадан электр токлари ўтаётганида содир бўладиган ҳодисалар устидан тажрибалар ўтказарди. Олим тажрибаларини кўпинча кечга яқин, лаборатория ходимлари ишдан кетгач, сокин муҳитда ўтказишни маъқул кўрарди. Бугун одатдагидан кўпроқ ушланиб қолди. Ниҳоят, девордаги осма соат тунги 11 га занг урди. Чарчоқ ҳам таъсир қила бошлади. Рентген чироғни ўчирди. Ва шу ондаёқ трубкадан анчагина нарида ётган пластинкани чиройли гунафша ранг билан товланаётганини кўрди... Во ажаб? Бу пластинка сатҳидаги туз заррачалари фақат қуёш нурлари тушгандагина товланарди, ҳозир эса деярли ярим кеча. Лабораторияда қоронгу. Олим бирдан трубкага келаётган токни узмаганлигини эслади ва уни узди. Пластинканинг товланиши тўхтади. Токни қайтадан уласа, пластинка яна товлана бошлади. «Демак, — фикрлади олим, — вакуум трубкадан ток ўтаётганида шу кунга қадар фанда маълум бўлмаган қандайдир нурлар ҳосил бўлар экан?!» Бу кейинчалик етук физиклар даврасида ўзининг тўла исботини топди. Фан олами янги «рентген нурлари» билан бойиди.

Рентген ўзи номаълум — «Х» деб номлаган бу нурлар хусусиятини мукаммал ўрганди ва уларни айниқса тиббиёт соҳасида катта аҳамиятли эканини алоҳида қайд этди. Юз йилдирки, бу нурлар халқ саломатлигини муҳофаза этишда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Рентген нурларининг энг муҳим хусусиятларидан бири — унинг ёрдамида кўрилаётган жисмни, жумладан, одам ички аъзоларининг тузилишини баданни «ёрмасдан» кўриш мумкинлиги. Ички аъзоларнинг турли касалликларда содир бўладиган ўзгаришларини ҳам аниқлаш мумкин.

Ҳозирги кунда шифохоналарда ўпка, юрак, ҳазм тизими, суяк-бўғим аппарати, пешоб йўллари ва бошқа аъзоларда содир бўладиган минглаб касалликларни мукаммал аниқлашда, уларни бир-биридан фарқлашда рентген нурларининг иштироки ҳеч бир изоҳга муҳтож эмас. Айниқса, ўпка ва нафас йўллари касалликларини ўрганишни рентген нурлари иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Рентгенодиагностикадаги флюрография деб аталувчи усул амалий тиббиётда кўпгина касалликларни (пневмония, сил, рак, сурункали ўпка шамоллашини)илк даврда аниқлашда ва уни даволашда муҳим аҳамиятга эга. Бу усул касалликни клиник белгиларсиз ва беморда ҳали бирон ўзгариш сезмаган вақтдаёқ аниқлаб беради.

Шаҳобиддин МИРҒАНИЕВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

КЎПРИК ҚУР — КЎП ЎТАДИ



Бу халқнинг қадимги ҳикмати. Зеро, кўприк қуриб, эл дуосини олганлар асрлар мобайнида одамлар эъзозида бўлишади. Ўтинчи кўприксозлар трести ва «Тошавтойўл» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоалари ҳам ана шундай савобга мушарраф бўлишди.

Бинобарин, Тошкентдан йўлга чиққан машиналар карвони темир йўлдан ўтолмай қийналишарди. Қўчалар торлиги туфайли машиналар ва бошқа уловлар турна қатор бўлиб тизилиб қолишарди. Гоҳо поезд ўтиб қоладиган бўлса, йўл бўшашини соатлаб пойлашарди.

Энди эса ўзбекистонлик ва қозоғистонлик ҳайдовчилар йўлда маҳтал бўлиб қолишмайди. Келес — Сариоғоч йўли — Ўзбекистон ва Қозоғистонни боғлаб турувчи йирик коммуникация тармоғида ҳамма учун зарур бўлган йирик иншоот — кўприк қуриб битказилди.

Демак, икки қардош халқ вакилларининг кўп йиллик орзулари рўёбга чиқди. Бу иншоот Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганлигининг шарофатидир. Ўйлаймизки, бу кўприк юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Юнус ЗИЁДОВ.

СУРАТДА: кўприкнинг умумий кўриниши.

Нўъмон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

МУКОФОТГА ОБУНА

АНДИЖОНДА ШУНДАЙ ТАДБИР-ТАШАББУСИ ҚАНОТ ЁЗДИ

Вақтли нашрларга обуна қизғин бораётган шу кунларда Андижон шаҳар партия кенгаши ибратли ташаббусни бошлади. Пахта йиғим-теримида фаол қатнашаётган олий ва махсус ўқув юртларининг пешқадам талабаларини улар қаторида ишлаётган устоз ўқитувчиларни оммавий вақтли нашрларга кенгаш маблағи ҳисобидан мукофот тарзида обуна қилишни амалга оширмоқда. Бўз туманининг М. Жалолов номли ширкатлар уюшмаси далаларида меҳнат қилаётган Андижон Давлат университетининг талабалари — Дилоромхон Шертойлоқова, Шоҳидахон Хоринова, Минурахон Сатторова, С. Зуннунова номли Бўз муаллимлар билим юртининг ўқувчиси Шоирахон Одилова, Комсомолобод туманидаги «Шаҳрихон» ширкатлар уюшмаси деҳқонларига кўмаклашаётган Андижон тиллар педагогика институтида билим олаётган Маъмурахон Саримсоқова, Наргизахон Исоқова, Манзурахон Алишерова, Наргизахон Ёқубоваларга, шу институт ўқитувчиси Ғанижон Ҳошимовга УзХДП Андижон шаҳар кенгашининг биринчи котибаси З. Шокирова дала бошида «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ҳамда «Мулоқот» журналига обуна бўлганликларини тантанали эълон қилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида кишилар хонадонига газета ва журналлар етса, уларнинг маънавий билим олишларига, кундалик ҳаётий хабарлардан воқиф бўлишларига ёрдам беради. Мана шу нуқтаи назардан баҳоланганда УзХДП Андижон шаҳар кенгаши хайрли ишга бел боғлади. Қисқа даврда обуна-мукофот билан тақдирланганлар сони 100 кишига етди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Газетанинг обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

Фуқаролар учун
бир йилга — 1086 сўм,
олти ойга — 543 сўм.

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга—1210,80 сўм,
олти ойга — 605,40 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Тошкент шаҳридаги обуначиларга етказиб бериш харажатлари кам бўлгани туфайли алоҳида обуна баҳоси белгиланди:

Фуқаролар учун
бир йилга — 876 сўм,
олти ойга — 438 сўм.

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга — 1211 сўм,
олти ойга — 610 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.



ИСТИҚЛОЛ ҚОНУНЛАРИ

Ҳуқуқий демократик давлат сари

Юртбошимиз Олий Мажлиснинг учинчи сессияси минбаридан туриб: «Бир нарсани катта мамнуният билан таъкидламоқчиманки, кўпдан-кўп қурилаётган объектлар, аввалам-бор, ўзимизнинг кучимиз, имкониятларимиз ҳисобига барпо этиляпти. Оғир кунларни бошимиздан кечираётганда ҳам, ўзимизнинг келажагимизни қураётганда ҳам биз қўлимизни чўзиб юрганимиз йўқ. Аввало, ўз кучимизга, салоҳиятимизга ишондик, таяндик. Ўзбекистон иқтисодий салоҳияти, ўз сармоялари ҳисобидан йирик ишлаб чиқариш иншоотларини қуришга қурби етадиган давлат сифатида узил-кесил тан олинди» деганларида қайси биримизнинг юрагимиз ҳапқирмади дейсиз!

«Иншоолоҳ, энг оғир даврдан тус-тугал ўтиб олдик. Халқимизнинг кайфияти, шижоати ва пухта ҳисоб-китоблар шундан дарак берадики, 1996 йилдан бошлаб халқимиз учун, юртимиз учун муттасил юксалиш даври бошланади» деганларида, бу фикрларини асослаб берганларида вужудларни беихтиёр келажакка умид ва ишонч билан қараш ҳисси қамраб олди.

Нутқда таъкидлаган тўртта йўналишнинг мазмуни алоҳида эътиборга молик жаранглади. Улардан биринчиси, қисқача қилиб айтганда, жамиятдаги тинч-тотувликни таъминлаш, иккинчиси, мулкнинг ҳақиқий эгалари қўлида бўлгандагина қутли-баракали бўлиши, учинчиси одамларнинг маънавий қиёфаси, тафаккури учун жон куйдириш, тўртинчиси, Ватанни, миллатни, юртни беқиёс севиш тўйғусини мутлоқ бунёд эта билиш, деб санаб ўтилди. Дарҳақиқат, барча орзиқиб кутганларимиз ана шуларда бирлашгандир. Уларнинг ечими—келажак бахтимиз гарови.

Учинчи сессияда тараққиётимиз йўналиши ҳуқуқий жамият қуриш эканлигини яна бир бор эслатувчи муҳим Қонун — «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ҳужжат қабул қилинди. Унинг тарихийлиги ҳам шундаки, бундай орган мамлакатимизнинг узоқ тарихида ҳам, яқин ўтмишида ҳам бўлмаган. Қонунга кўра, Ўзбекистонда бундан буён қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Бош қонунимиз—Конституциямизга нақадар мослиги ушбу орган томонидан кўриладиган бўлди. Эндиликда барча қонунлар, ҳуқуқий нормалар, ҳатто Президент фармонлари, давлатлараро шартномалар, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари ҳам мамлакатимиз Конституциясига мослиги тартибга солинадиган бўлди.

Бу қонунда қандай муҳим жиҳатлар бор ва улар нималардан иборат?

Конституциявий суд таркиби жами 7 судьядан иборат: Суд раиси, ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикасидан сайланувчи бир судья ва яна тўрт киши. Суд таркибининг тўрттаси сайлангач, у иш бошлашга ҳақли. Сўнг ҳам тўрт судья бўлганда иш кўраверишлари учун бу орган ваколатли бўлиб қолади. Улар беш йил муддатга сайланади. Конституциявий суд таркибига истеъфога чиққан Президент киритилиши ва умрбод шу лавозимда қолиши белгиланди. Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятини ҳеч кимнинг аралашувисиз, сиёсий ва бошқа мойилликлардан ҳоли, тенг овозга эга ҳолда амалга оширадилар. Унинг қарори барча учун мажбурий саналади. Сиёсий ва ҳуқуқий билимли, маънавий тоза, малакали Ўзбекистон фуқароси бу суднинг аъзоси бўла олади.

Конституциявий суд аъзолари депутат, сиёсий партия ва ҳаракатларга аъзо бўлиши мумкин эмас. Ҳақ оладиган бошқа лавозимда ҳам ишлашларига йўл қўйилмайди. Уларни Олий Мажлис ва унинг Кенгаши розилигисиз бирор бир жазога тортиш, ушлаш, тинтиш, тасарруфидаги мулк ва жойларни кўздан кечириш ҳам мумкин эмас. Хуллас, катта ваколат, дахлсизлик, ҳуқуқ ва имтиёзларга эга бўлган Конституциявий суд қонун устунлигини таъминлаш, адолатли ҳуқуқий жамият қуриш йўлида фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий база, қонуний шароит яратилди.

Сессия қабул қилган муҳим қонун ҳужжатларидан бири, ташқи ва ички сиёсатда муҳим роль ўйнайдиган «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси» тўғрисидаги Қонун бўлди. Эсингизда бўлса бу қонун лойиҳаси Олий Мажлиснинг II-сессиясида биринчи ўқишда қабул қилинган ва умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Келиб тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда, тугал варианти қонун кучини олди.

Маълумки, дунёвий муносабатларда ҳанузгача кескинлик юмшагани йўқ. Можароларнинг янги ўчоқлари пайдо бўлмоқда. Экстремист, террорчи деганлар ҳам иш кўрсатяпти. Шундай вазиятда аввало тинчликни, барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатимиз хавфсизлигини таъминлаш жуда зарур. Демак, Ўзбекистонимиз ҳар қандай муаммони тинч, сиёсий йўл билан ҳал қилишдан манфаатдордир. Бунинг учун ҳарбий блоклардан четда турган маъқул. Бировга таҳдид солиш ҳам, бирор давлат билан низоли душманлашиб қолиш ҳам давлатимиз бош мақсадига мутлақо зид. Ўзбекистон ядровий қуролланиш каби инсоният «яра»сига қарши йўл тутади. Бу ва бошқа оммавий қирғин келтирувчи қуроллар бўлишини хоҳламайди. Умуман, инсон, одам жонига, турмуш тарзига таҳдид солувчи қуроллар ҳамда қуролланишга салбий муносабатда бўлади. Миллий ва диний муросасизлик биз учун ёт нарсадир. Ўзбекистон ўзининг жаҳондаги вазиятга катта таъсир етказувчи ўрни ва географик жойлашган маконини билади. Вазият чигаллашувини хоҳламайди. Фақат ва фақат тинчлик тарафдори бўлиб қолади. Айни пайтда «андишанинг отини қўрқоқ» деб аташга ҳам йўл қўймайди. Ўз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлайди ва ҳар қандай хавфга, таҳдидга муносиб жавоб бера билиш қудратига ҳам эга бўлади. Менимча, бу энг тўғри йўл.

Қонунда Ўзбекистон Қуролли Кучлари қурилиши ва уларни стратегик қўллаш принциплари, қуролли кучлардан фойдаланиш шартлари, зарурат туғилса, Ватан мудофаасига тайёрлай билиш каби муҳим жиҳатлар чуқур ўйланган ва умуминсоний қадриятлар, табиий ҳимоялана билиш ҳиссиётлари асосида жой олган.

Сессия мамлакатимиз ҳуқуқий жараёнларини тартибга солувчи яна бир муҳим ҳужжат — «Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексининг биринчи қисми» лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда маъқуллади. Маълумки, бу қонун қабул қилиниши ҳаётимиз учун жуда ҳам зарур. У фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулкчилик ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг пайдо бўлиши асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилаб бериши, шартнома ва бошқа мажбуриятларни, шунингдек, мулкий ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни тартибга солмоқ учун лозим.

«Ўзбекистон Республикасининг меҳнат Кодекси» лойиҳасини ҳам кўриб чиқилгани тараққиётимиз «старт»идир. Бу қонун лойиҳасига кўра, меҳнат кодекси, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек, айрим фуқаролар ихтиёрида ҳамда ҳиссали мулкдорлари бўлган корхоналар билан меҳнат шартномаси бўйича ишловчи жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид барча муносабатларни тартибга солмоғи, давлат манфаатларини ҳам эътиборга олган ҳолда самарали бўлмоғи, адолатли ва хавфсиз меҳнат шароитларини,ходимларнинг меҳнат ҳуқуқи ва саломатлиги ҳимоясини таъминламоғи, шу асосда аҳоли моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига ҳуқуқий кўмаклашмоғи учун керак.

Ҳуқуқий давлатчилик қурилишининг янги-янги белгилари «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинишида ўз аксини топди.

Унга кўра, ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ўз-ўзини бошқариш идоралари ҳар қандай мансабдор шахсларнинг айби билан ўз ҳуқуқи, манфаати, эркинлиги зарарланган деб ҳисобланса, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқдан хорижликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам тўла фойдаланиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Эндиликда одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузган ёхуд уларни рўёбга чиқаришга монелик қилган, ўз қилмиши билан бошқача тарзда ноқонуний жабр кўришга сабаб бўлган, идора, унинг раҳбари суд орқали жазоланадиган бўлди. Ўзини жабрланган деб ҳисоблаган фуқаро, аввало, ҳаракати ноқонуний раҳбар устидан юқори турган мансабдор шахсга ҳам мурожаат қилиши, бир ой ичида жавоб олиши керак. Жавоб қониқтирмаса судга беради. Фуқаро тўғридан-тўғри судга бериши ҳам мумкин бўлади. Бу мурожаатларни фуқароларнинг вакили ҳам амалга оширишига йўл қўйилади. Мурожаат ҳар иккала тарафнинг яшаб ёки ишлаб турган жойидаги судга берилади. Ҳарбийлар ҳам ҳарбий судларга ёки юқори турган бошлиққа мурожаат қилиши мумкин. Судга шикоят қилиш муддати асосан уч ой вақт ичида деб белгиланди. Агар узрли сабаб билан муддат ўтган бўлса, суд муддатни тиклаши мумкинлиги ҳам акс эттирилди. Суд ҳаракатлари натижасига қараб, яъни ариза асоссиз бўлса фуқародан, асосли бўлса айбдордан ундириладиган бўлди. Бу қонун жамиятимизга демократия, ҳуқуқий кафолат намоён бўлишининг далилидир.

«Концессиялар тўғрисида»ги қонун, ҳатто «концессия» сўзининг ўзи кўпчиликка янги, нотанишдир. Концессия бу хорижий инвесторга маълум хўжалик фаолияти билан шуғулланиш учун бериладиган рухсатнома бўлиб, давлат томонидан уларга шартнома асосида мулк, ер, ерости ва бошқа участкаларнинг берилишидир.

Юқоридаги қонун ана шу фаолиятни мутлоқ тартибга солиш учун мўлжалланган, жаҳон тажрибасида амалда ўзини оқлаган талабларни акс эттирган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, энди ҳаётимизда ўз кучини амалда кўрсата бошлайди. Қонундаги бош мақсад—ўзаро фойда кўриш, бу ишда ишкалликларнинг олдини олиш, ваколатли идора ва шахсларнинг аниқ ҳаракат доирасини, жавобгарликларини белгилаб беришдан иборат.

Қисқаси, Ўзбекистон Парламенти — Олий Мажлиснинг учинчи сессияси қонунчилигимизни шакллантириш тарихида ўчмас из қолдирди, деб баҳоласа бўлади. Унинг ҳар бир «изи» Ватан фаровонлиги, халқимизни ёруғ юзли қилишдек эзгу-ниятларга қаратилгандир.

А. АҲМЕДЖОНОВ,
Тошкент вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.

ЕРНИ СУЙМАГАН — ЎЗИНИ СЕВМАС

Тошкент қишлоқ хўжалик коллежи 1925 йили қишлоқ хўжалик техникуми сифатида ташкил топган эди. Ўтган давр давомида бу ўқув юрти нафақат Ўзбекистон учун, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун мингларча ўрта бўғин мутахассисларини етказиб берди.

Ҳозирги пайда бу ўқув масканида фермер (деҳқон) хўжалигини ташкил этиш, агросаноат корхоналарида тижорат фаолиятини ташкил этиш, ўсимликларни муҳофаза қилиш ва ер тузиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Республикамиздаги қишлоқ хўжалик техникумлари ва коллежлари ичида фақат бизнинг коллеж ер тузиш ва ўсимликларни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар тайёрлаши билан ажралиб туради.

У дастлаб Самарқанд гидромелиорация техникуми қошида ташкил этилди. 1955 йилга келиб Тошкент ўрмон хўжалиги техникумига кўчирилиб, 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик техникумига қўшилган.

Бу бўлимда 1955-1995 йиллар мобайнида уч мингдан зиёд ўрта махсус маълумотли мутахассис тайёрланди.

1965-1985 йилларда техникум қошида республика хўжаликларининг техник -ер тузувчи мутахассислари малакасини ошириш курси ишлаб турди.

Турли йилларда бўлимга раҳбарлик қилган Т. Н. Нурмуҳамедов, Б. Н. Девликамов, Н. Раҳматхўжаев, С. Аҳмедовларнинг, шунингдек ўқитувчилардан С. Шарафутдинов, С. Сайдазимов, З. Қудратова, С. Фозилова, Р. Султоноваларнинг малакали мутахассислар тайёрлашдаги хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқ.

Ҳозирги пайтда ер тузиш мутахассисларининг зиммасига ердан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, хўжалик ҳудудларида ички ер тузишни ташкил этиш, ер участкаларини муайян мақсадлар учун ажратиб бериш ёки қайтариб олиш, солиқ инспекцияларига ер миқдори ва сифатини аниқлаб бериш, топография-геодезик, тупроқ ва бошқа мақсадлар учун текшириш ва қидирув ўтказиш сингари вазифалар юклатилган. Бунинг учун эса ҳар бир гектар ердан унумли фойдаланиш, ерга эгалик қилиш, ерларнинг миқдорий ҳисобини олиш ва сифатини аниқлаш, ерларни иқтисодий баҳолаш каби ишларни ўз ичига олган ер тизимига катта аҳамият берилаяпти. Бу эса ўз навбатида ер тузувчи мутахассислардан ҳар томонлама билимли бўлишни, ер тизими ишларини юритиш, план -картографик ҳужжатларини (планларини) вақти-вақти билан тиклаб бориш, аэросуратлардан фойдаланиб ер турларининг мавжуд ҳолатини аниқлаш, уларнинг майдонини ҳисоблаш ва ҳосилдорлигини аниқлаш каби ишларни бажаришни талаб қилади.

Ердан тўғри фойдаланиш энг аввало хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларига боғлиқ. Чунки ердан унумли фойдаланишни режалаштириш учун ернинг ҳозирги ҳолати, унумдорлиги, тупроқ турлари, ер ости сувларининг ҳолати, суғориш ва қуритиш тармоқларини, алмашлаб экишни тартибга солиш, ердан фойдаланишни назорат қилиш каби қатор муаммоларни ҳал қилиш, бошқа мутахассислар қатори, ер тузувчиларнинг ҳам зиммасига тушади. Бу ишларни амалга ошириш учун эса малакали ўрта бўғин мутахассисларини — фермер (деҳқон) ва ер тузувчиларни тайёрлаш бугуннинг жуда муҳим вазифаларидандир.

Ерга эгалик қилиш ва ердан самарали фойдаланишни ҳар томонлама ривожлантириш натижасидагина кузланган мақсадга эришиш мумкин. Шундагина она ер инсонга ўз инъомини ҳадя этади.

Салоҳиддин АҲМЕДОВ,
Тошкент қишлоқ хўжалик коллежи ер тузиш бўлими мудири, Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси.

ЁЗИШДАН АВВАЛ ЁЗУВНИ ЎРГАНИНГ

Ҳар замонда эшитиб қоламиз: «Фалон дўконни кўриб номини ўқиёлмадим. Анув институт эшигидаям лотинча ёзувлар осиғлиқ. Тушунолмадим. Хато ёзилган...» Бундай мулоҳазалар ҳали катта давраларга кўчгани йўқ. Фақат айнан шу соҳа мутахассислари ўртасида баҳсга айланаётган гаплар. Чунки ҳали кўзимиз ўргангани йўқ-да. Аслида-чи?

«Аслида ҳеч биримиз бепарво, бефарқ бўлмаслигимиз керак. Аксинча, билсак қандай жой бўлишидан қатъий назар хато ёзилган ёзувни айтайлик, кўрсатайлик», — дейди суҳбатдошимиз — Тошкент Давлат иқтисодиёт университети доценти Суннатулла РИЗАЕВ. Ва куйинчаклик билан гап бошлайди:

— Мустақил мамлакатимиз куч қудратини, обрў-эътиборини кўтариш ва республикамизнинг ҳар тарафлама камол топиши учун қулай шароитни яратиш мақсадида 1993 йил 2 сентябрда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Қонуннинг 1-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасида лотин ёзувига асосланган 31 ҳарф ва 1 тутуқ белгиси (апостроф) дан иборат ўзбек алифбоси жорий этилди.

1995 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бу қонунга айрим ўзгаришлар киритилди. Чунончи: 1-моддадаги «31 ҳарф ва 1 тутуқ белгиси (апостроф)дан» сўзлари «26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмасидан» сўзлари билан алмаштирилди. Ҳамда, «ц» ва «ж» (сирғалувчи ундошни ифодаловчи) ҳарфлари мустақил ҳарф белгиси сифатида алифбодан чиқарилди: «ш», «ч», «нг» ҳарфлар бирикмаси билан алмаштирилди ҳамда «ў» ва «ғ» ҳарфларининг босма катта бош ва кичик шакллари; «А», «И», «Г», «Ғ» ҳарфларининг ёзма бош шакллари; «З з» нинг ёзма бош ва кичик шакллари, «қ»нинг ёзма кичик шакли ўзгартирилди. Шунингдек, лотин ёзма кичик шакли ўзгартирилди. ҳамда лотин ёзувига босқичма-босқич ўтиш муддати 2000 йилдан 2005 йилгача узайтирилди.

Олий Мажлис қарорига кўра 1996 йил 1 сентябрдан эътиборан мактабгача тарбия болалар муассасаларида ва умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида янги алифбо бўйича машғулотлар ўтказила бошланади. Қолган синфларда эса факультатив машғулотлар ташкил этилади. Булар кенг кўламли ишлардан бўлиб, олдимизда алифбодан тортиб, қомус (энциклопедия)гача ҳаммаҳаммасини қайта чоп этиш, лотин ҳарфлари асосидаги ўзбек миллий ёзувимизни ёшу қарига ўргатиш ва ўқитишнинг энг самарали усулларини топиш ҳамда уларни амалга киритиш вазифаси турибди. Бироқ, бу йўлда қанчалик иқтисодий, техникавий ва бошқа қийинчиликлар бўлмасин, амалий ишга киришишимиз мақсадга мувофиқ.

— Янги алифбо асосида «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» ҳам яратилди. Ана шу ҳақдаям сўзлаб берсангиз?

— Дарвоқе, қайси тил янги алифбони қабул қилса шу алифбо асосида тилнинг асосий имло қоидалари яратилишини тақозо этади. Юқоридаги Қонунни бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра 1995 йилнинг 24 августида «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» тасдиқланди. Шунингдек, республика вазирликлари, идоралари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари, оммавий ахборот воситалари лотин ёзувчига асосланган ўзбек алифбосидаги барча турдаги ёзишмаларда, матбуотда, иш юритишда ушбу қоидаларни жорий қилиш юзасидан тегишли тадбирларни ишлаб чиқаришлари ва амалга оширишлари ҳамда ЎзРФА, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси уч ой муддат ичида мактаблар учун қўлланма сифатида ўзбек тилининг имло луғатини, киши исмлари ва жой номлари луғатларини тайёрлашлари ва нашр этиш чораларини кўришлари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Афсуски, бу қарорга кўп жойларда етарли эътибор берилмаяпти. Вақт эса ўтиб боряпти.

— Янги ўзбек алифбоси ва имлосига доир қандай амалий ишлар амалга оширилянти?

— 1996-97 ўқув йилидан эътиборан умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида янги алифбони ўргатиш-ўрганиш машғулотлари бошланиши муносабати билан биринчи синф дарсликлари, қўлланмалари ва методик тавсияномалари ёппасига лотинча ўзбек ёзувида тайёрланмоқда. Факультатив машғулотлар учун «Янги алифбони ўрганамиз» номли ўқув қўлланмаси, «Ўзбек тили имло луғати», «Лотин ҳарфлари асосидаги ўзбек алифбоси» номли турли график қўлланмалар, катта ёшдагилар учун ёки мустақил ўрганувчилар учун алоҳида ўқув қўлланмалари, лотин ҳарфларини илк босқичида ўрганувчилар учун «Расмли алифбо», «Иш дафтари», «Ёзув дафтари», «Кесма ҳарфлар» каби қатор дарслик ва қўлланмалар яратилмоқда.

Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги республика педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлоси таълими» бўлими (сектори) ходимлари томонидан «Лотин ҳарфлари асосидаги ўзбек алифбоси ва имлосини ўқитишнинг илмий-методик асослари» ишлаб чиқилмоқда.

— Суннатулла ака, ғалати ҳолатларни ҳам кузатяптмиз-да. Мамлакатимизнинг олис вилоятлари ва туман-қишлоқларида айнан лотин алифбосида битилган турли ёзувларни кўрдик. Тушуниб бўлмайдиган ҳарфлар, ёзувлар... Бундай ҳар хилликларга, яъни хато ёзувларга Сизнинг ҳам кўзингиз тушгандир?

— Албатта, кўз тушмай бўладими?! Айниқса, биз каби ўзбек тилининг лотин графикасидан дарс бераётган ўқитувчилар, зиёлилар лотинча ўзбек ёзувида имловий хато ёзилган шиорларга, пештахталардаги ёзувларга, корхона, муассаса, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари номларига ва бошқа жойлардаги ёзувларга бефарқ қарамаслигимиз керак.

Ўзоқни айтасиз, аслида пойтахтимиз Тошкент шаҳри бошқа вилоят ва шаҳарлар, туманлар учун ҳар томонлама намунали-маданий марказ ҳисобланади. Чунки аксарият ҳолларда пойтахтдан ибрат олинади. Бироқ, шаҳар кўчаларини айлансангиз кўплаб ташкилот ва муассасалар, айниқса, майда, хусусий дўконлар пештахталаридаги лотинча ёзувларда кўплаб имловий хатолар ҳамда чалкашликларни кўриб дил ранжийди.

— Яхшиси, жонли мисоллар келтиролмайсизми?

— Бажонидил, Тошкентнинг ўзида бундай чалкаш, чала ярим ёзувлар ҳар қадамда учрайди. «Бешёғоч» сўзи «Бешагоч», «Арпапоя» — «Арпапожа», дўкон - «дуцон» тарзида ёзилган. Ҳатто «Шофайз» сўзини ўқий олмадик. Энг ачинарлиси, нуфузли маҳкамалар ва муассасаларнинг номлари ҳам хато ёзилаётганини қандай изоҳлайсан?

— Бундай чалкашликларнинг сабаби нимада?!

— Саводсизлик десам қўпол чиқар, лоқайдлик бу!

Биласизми, лотинча ўзбек алифбосидаги ҳарфларнинг нотўғри қўлланиш ва ёзишлар асосан, лотинча ўзбек ёзувида «х» ва «ҳ»да, «ж» ва «й» да «е» ва «э» да кириллицадаги «е», «ё», «ю», «я» ларнинг лотинча ўзбек ёзувидаги ифодаланишида кўп учраётир. Энди нима дейсиз, аввало ёзувини янгилаётган идора ё маҳкаманинг раҳбари бунга беэътибор бўлмаслиги керак.

Яна бир гап. Ойнаи жаҳон катта минбар. Унинг мухлиси кўп. Ёш ҳам, кекса ҳам бўш қолдими, экран олдига келади. Лекин кейинги пайтда кузатяпман, айрим дастурларда, кўпинча реклама-хабарларда лотинча ёзувларда кўп имловий хатолар кетяпти.

— Хўш, қандай чоралар кўрилса чалкашликларга йўл қўйилмайди?

— Менимча, аввало телеэкран орқали икки ҳафтада бир марта (кўпинча чоршанба куни) берилаётган «Янги алифбони ўрганамиз» машғулотини якшанба — дам олиш кунига кўчиришса ҳамда лотинча ўзбек алифбосидаги ҳарфларнинг ёзма бош ва кичик) шаклларининг тўғри, бир хил ёзилишига, ҳуснихатига чуқур эътибор қаратилса яхши бўларди.

Шунингдек, радиоэшиттириш дастурларида лотинча ўзбек алифбоси ва шу алифбо асосидаги «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»га доир эшиттиришлар мунтазам берилса.

Энг муҳими, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари ҳузуридаги топономика комиссияси мутасаддиларидаги ҳам ўз ҳудудларида янгиланаётган ёзувларга бефарқ қарашмаса. Айниқса, барча вақтли матбуот саҳифаларида «Янги алифбони ўрганамиз» рукни остида лотинча ўзбек ёзувида кичик-кичик ахборот ва хабарлар мунтазам чоп этилса.

Яна бир таклифим: Лотинча ўзбек алифбосини ва янги имло қоидаларини ўрганувчилар ва ўргатувчилар — ўқитувчилар учун республика, вилоят, шаҳар ва туман ўқув марказларини ташкил этиш вақти келди.

Араблар ёзувнинг аҳамиятини улуғлаб «Ёзув илмнинг ярми», — деганларида минг бора ҳақдир. Зеро, ёзув бугунимиз, эртамиз, қолаверса, ўтмишимиз ҳам.

Норқобил ЖАЛИЛ суҳбатлашди.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БОШ ВАЗИРГА СУИҚАСД ҚИЛИНДИ

Ўтган шанба куни Исроил Республикаси Бош вазири Исҳоқ Рабинга суиқасд уюштирилди. У қотилнинг отган ўқидан ҳалок бўлди. Бу машъум жиноятни амалга оширган қотил полиция томонидан ушланди.

Полиция вакилларининг айтишига қараганда, агар Исҳоқ Рабин ўқ ўтмас камзул кийиб юрганида эҳтимол ҳалокатдан қутулган бўлур эди. Бироқ у бундай камзулни кийиб юришни ўзига эп билмаган. Ушбу жиноятни Исроил билан Фаластин ва бошқа араб мамлакатлари ўртасидаги тинчлик ва тотувликка қарши бўлган кучлар уюштирган деган тахминлар бор.

СОҒЛИГИНГИЗ ЯХШИМИ, БОРИС НИКОЛАЕВИЧ?

Маълумки, бир неча кундан буён Россия Президенти Борис Ельцин Москвадаги Марказий клиник касалхонада ўз соғлиғини тикламоқда. Айни пайтда мамлакат раҳбари матбуот котибининг айтишича, у давлат бошлиғи сифатидаги ўзига тегишли барча конституцион мажбуриятларни тўлиқ адо этмоқда. Ва ҳозирги пайтда тегишли вазирликлар бевосита унга бўйсунмоқдалар.

«Президентнинг соғлиғи яхшиланаяпти», — деди мамлакат бошлиғи маъмурияти бошқармасининг медицина маркази раҳбарларидан бири Сергей Миронов. — Марказий клиник касалхона мутахассислари бош врач Александр Николаев раҳбарлигида Ельциннинг соғлиғини тўлиқ тиклаш ва барча муолажа курсларини амалга оширишга интилмоқдалар. Айни пайтда Президент Ельцин тегишли раҳбарлар билан иш юзасидан мулоқотлар ҳам олиб бормоқда.



Қувайт мамлакатининг пойтахти — Эль-Қувайт шаҳри тобора гўзаллашиб бормоқда.
СУРАТДА: пойтахт кўчаларидан бирида.

СИЁСАТ ЎЗГАРМАЙДИ

Исроил ҳукумати араб мамлакатлари билан тинч қўшничилик муносабатларини ўрнатиш йўлидаги сиёсатини давом эттириш ниятида. Мамлакат Бош вазири вазифасини бажарувчи Шимон Перес Исҳоқ Рабинни дафн этиш маросимида қатнашиш учун келган мамлакатлар ҳукумат ва давлат бошлиқлари билан учрашувда шу ҳақда баёнот берди.

ЁПИҚ ЭШИКЛАР ОРТИДА

АҚШнинг Огайо штатидаги Дейтон шаҳрида собиқ Югославиядаги можароларни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги музокаралар ёпиқ эшиклар ортида давом этмоқда. Маълумотларга кўра, Сербия Президенти Слободан Милошевич АҚШ ва Сараево ҳукумати ташаббуси билан вақтинчалик тинчликка эришиш ҳақидаги битим лойиҳасига қўшимча киритилганидан норозилик билдирган. Ушбу янги пунктга кўра, Босния серблари раҳбарлари Радован Каражич ва генерал Ратко Младич ўз лавозимларидан озод этилиши керак.

МУЗОКАРАЛАР НАТИЖАСИЗ ҚОЛДИ

Бангладеш Бош вазири Бегум Холид Зиё Раҳмон билан муҳолифат раҳбарларининг мамлакатдаги сиёсий инқирозни тугатиш борасидаги музокаралари натижасиз тугади. Томонлар асосий масала — ўтиш даврининг вақтинчалик ва мустақил вазирлар маҳкамасини ташкил этиш буйича бир фикрга кела олмадилар.

СУИҚАСДЧИЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Озарбайжонда Президент Гайдар Алиев ҳаётига суиқасд уюштиришни режалаштирган бир гуруҳ шахслар қўлга олинди. Мамлакат Ички ишлар вазирлигининг баёнот беришича, уч нафар суиқасдчи ўзи бошқариладиган «Стрела-3» ракетаси билан хорижий сафардан қайтаётган Президент самолётини уриб туширишни режалаштирган. Улар орасида Ички ишлар вазирлиги махсус гуруҳининг собиқ зобити ҳам бўлган.

ТАБИИЙ ОФАТ ҚУРБОНЛАРИ

Филиппинда кейинги ун йилликдаги энг кучли бурон юз берди. Бу табиий офат оқибатида 600 киши ҳалок бўлди. Яна 200 нафардан зиёд филиппинлик домдараксиз йўқолган, дея тахмин қилинмоқда.

ЖИНОИЙ ИШ КЎРИЛМОҚДА

Японияндаги Наха шаҳри суди уч нафар АҚШ ҳарбий хизматчиси устидан қўзғатилган жиноий ишни кўра бошлади. Улар 12 яшар япон қизини ўғирлаш ва номусини топташда айбланмоқда.

ҲАРБИЙ МАҲКАМА РАҲБАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Германия Федерал мудофаа вазири Фолкер Рюе Бавариядаги ҳарбий полигонда АҚШ ҳарбий маҳкамаси раҳбари Уилям Перри билан учрашди. Улар Боснияда халқаро тинчликни таъминлаш кучларини ташкил этиш, шунингдек, унда Россиянинг иштирок этиши билан боғлиқ масалаларни муҳокама этадилар.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

BETA — UZBEKISTAN COMPANY LTD

ХУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

Машҳур **"БЕТА"** халқаро ўртоқлик фирмаси
кенг турдаги шоколад маҳсулотлари ҳамда
Цейлоннинг олий навли чойларини

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Таклиф этилаётган турли навли чойлар ўзининг мазаси жиҳатидан бутун дунё бурчакларида маълум ва машҳурдир.

Машҳур чой турлари:
BAYCE TEA (БАЙЖЕ ЧОЙ)
BETA TEA (БЕТА ЧОЙ)
HOWDAH TEA (ХОУДАХ ЧОЙ)
Шоколад турлари:
GOLD GRAND (ГОЛД гранд)
MONDIL (МОНДИАЛ)

Бизнинг манзил:
Тошкент шаҳри,
Усмон Юсупов кўчаси, 119.

Телефонлар:
48-04-97, 48-05-10
Факс: 48-09-90.

"БЕТА" Ўзбекистоннинг барча аҳолисини шоколад маҳсулотлари ва Цейлон чойи билан таъминлашга ўз улушини қўшади ва уларни харид қилишга

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.
Улгуржи харидорларга имтиёз берилади.

"БЕТА" — ЎЗБЕКИСТОН СО ЛТД"

Сизга тез ва сифатли хизмат кўрсатади.

Бодомзор Ь **bodomzor**

ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИ!

"Бодомзор" акционерлик жамияти, корхоналар, ташкилотлар ва барча манфаатдор кишилардан буюртмалар қабул қилмоқда.

Буюртма бергач, Сиз янги йил кечаси ташвишлардан халос бўласиз, болаларни беиҳоя қувонтириб, хурсанд этасиз. Совғалар яхши аньаналарда ва жаҳоннинг энг яхши қандолатчилик фабрикаларида тайёрланган.

ЮКСАК СИФАТ,
АРЗОН НАРХЛАР,
АЪЛО БЕЗАК.

Ҳар 40-совға бепул!

Ҳақ тўлаш шакли — турлича.

БИЗ СИЗЛАРНИ КУТАМИЗ!

Қуйидаги телефонлар бўйича бизга қўнғироқ қилинг: (3712) 63-73-96, 63-99-62. Факс: 60-05-74.

Бизнинг манзил:
700140, Тошкент, Ж. Обидова кўчаси, 260-уй.
Йўналиш: САМПИ институти.

ТАШКИЛОТ

Германияда ишлаб чиқарилган турли ассортиментдаги қандолатлар: *шоколадлар тўплами, кекс, мармелад* ва бошқа маҳсулотлар

СОТУВИНИ БОШЛАДИ

Кенг турдаги: *озиқ-овқат маҳсулотлари, шампань виноси, ароқ, ликёрлар,* Италия, Греция, Бельгия ҳамда Германияда ишлаб чиқариладиган *винолар*

САВДОСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Омборда нархи арзонлаштирилган *ксерокс, факс, компьютер, калькуляторлар* мавжуд.

Мурожаат учун телефонлар:
45-55-65, 45-70-65.
Фурқат кўчаси, 1 уй.

ТАШКИЛОТ

пул ўтказиш йўли билан
қуйидагиларни сотади:

- *Паронит — умуммақсадли паронит 2,3мм (прокладка материали);*
- *подшипниклар*
- *шарикли ручкалар*
- *подшипниклар келтириб бериш юзасидан шартномалар тузамиз*

Телефон:
(3712) 33-41-47.

«ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ» РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК БИРЛАШМАСИ

Ўзбекистон Республикасида назорат-касаба машиналарини жорий этиш комиссияси томонидан 1995 йил 10 октябрь баённомаси билан назорат-касса машиналари давлат реестрига киритилиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 18 октябрда 183-сон билан рўйхатга олинган, хорижда ишлаб чиқарилган

«РОЯЛЬ-125»

назорат-касса машиналарини мулкчилик шакларидан қатъи назар, чакана савдо корхоналарига сотувга

ТАКЛИФ ЭТАДИ

машинанинг нархи 230 АҚШ доллари. Машиналар Ўзбекистон Республикаси сўмида, сотилаётган кундаги курс қийматида, нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Манзилимиз: 700091, Тошкент, «Янгиобод» даҳаси «Тол-Арик» кўчаси, 23-уй.
Телефонлар: 97-09-91, 96-73-20, 98-37-90.
Факс: 97-34-85.
Автобуслар: 23, 26, 30, 61, 119, «Янгиобод» шоҳ бекати.

МАРҲАМАТ ДАЗМОЛИ

Хабарингиз борми?

Андижон вилоятидаги Марҳамат электр-техника заводида халқ истеъмоли моллари тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Анчадан буён корхонада электр дазмоллар ишлаб чиқариляпти. Ҳозиргача тайёрланган 24 мингдан зиёд бундай харидоргир маҳсулот истеъмолчиларга жўнатилди.

Заводда тайёрланаётган дазмоллар сифати кўпчиликка манзур бўлмоқда. Йил охиригача яна қўшимча 11 минг дона маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"

ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛОРУСЬ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

сўмда пул ўтказиш йўли билан
Тошкентдаги омбордан
турли модификацияли
МАЗ туркумидаги автомобилларни,
МТЗ экскаваторлари ва тракторларини,
автомобиллар ва тракторлар учун бошланғич бутликдаги: *Д-243, Д-245, ЯМЗ-238-2М* двигателларини ва уларнинг ёнилғи қурилмаларини

СОТАДИ.

Нархлари завод баҳосидан арзон.

Манзил: Тошкент, Нукус кўчаси, 3-уй, Ш.Руставели кўчаси, 140-уй.

Алоқа учун телефонлар:
(3712) 54-94-11, 54-88-11, 54-99-11, 54-62-43, 54-62-09, 50-45-95, 50-59-18, 50-88-13.

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС" — ҳамкорликка чорлайди!

РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛОТЛАРИ, МУАССАСАЛАРИ ВА КИТОБ САВДОСИ ТАРМОҚЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ НАШР ЭТМОҚДА ВА УЛАРГА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

I. **"ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ"** (2 жилдлик). Безаклари рангли, биринчи жилди нашрдан чиқмоқда. Иккинчи жилди келгуси йил чоп этилади. Биринчи жилднинг тахминий нашриёт баҳоси 30 сўм, иккинчи жилди — 40 сўм.

II. **"ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ"** (ўзбек, форс, рус ва инглиз тилларида). Китоб 1996 йил чоп этилади. Тахминий нашриёт баҳоси 100 сўм.

III. **"ОЛТИН ВОДИЙ ЭРТАКЛАРИ"**. Болаларга мўлжалланган ва нашрдан чиққан, безаклари рангли бу китобнинг нашриёт баҳоси — 14 сўм.

Шунингдек, нашриёт юридик ва жисмоний шахслардан бошқа китоб ва турли матбаа маҳсулотларини нашр этишга тайёрлаш бўйича чекланмаган миқдорда буюртмалар қабул қилади.

Манзилгоҳимиз: 700129, Тошкент ш. Навоий, 30.
Тел: 44-22-53, 44-12-61, 44-17-59.

Собир Раҳимов туманидаги «Муҳандис» кичик корхонаси

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой давомида

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши Ўзбекистон ХДП Янгийул туман кенгаши биринчи котиби А. Маҳмудхоновга отаси

Акром МАҲМУДХОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мулоҳаза

АҲОЛИ КЎПАЙСА...

ёки Ўзбекистонда демографик вазиятнинг ўзига хослиги

Ҳозирги даврда аҳоли турмушининг ижтимоий-иқтисодий томонларига эътиборнинг кучайиши билан унинг демографик вазиятидаги ўзгаришларни ўрганиш жуда муҳим. Айниқса, бу жараён Ўзбекистоннинг ўзига хос демографик вазияти билан бошқа минтақалардан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун республикамиздаги демографик жараённи илмий нуқтаи назардан атрофлича ва чуқур ўрганиш талаб этилади. Маълумки, Ўзбекистон аҳолиси меҳнат ресурслари бўйича ноёб минтақалар жумласига киради. Демографик, яъни аҳоли ўсишининг ўзига хослиги мамлакатнинг ҳудудий хусусияти бўлиб, аҳоли ва меҳнат ресурсларининг тез суръатда ўсаётганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон аҳолиси ҳам кейинги ўн йилликлар давомида тез суръатлар билан ўсди. Масалан, 1970-1979 йилларда республика аҳолисининг ўсиши 30,4 фоиз, ўртача йиллик ўсиш суръати уч фоиз, кейинги ўн йилликда ҳам шунга яқинроқ бўлди. Аҳолининг ўртача йиллик ўсиши республикамизда 2,9 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон аҳолисининг юқори суръатда ўсиб келганлиги тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва айниқса, республика учун хос бўлган демографик омиллар билан белгиланади. Булар — туғилишнинг юқорилиги, ўлимнинг нисбатан пасайгани, никоҳнинг кўплиги, ажралишнинг нисбатан камлиги. Ўзбекистонда унча тез бўлмасада, урбанизация жараёни рўй бермоқда, яъни шаҳарлар сони кўпайяпти. Фақат етмишинчи йилдан саксон бешинчи йилгача бўлган давр ичида республикада 80 та янги шаҳар вужудга келди. Ваҳолонки, бу йилларда Иттифоқдаги республикаларнинг биронтасида ҳам шаҳар сонининг бунчалик тез суръат билан ўсиши рўй берган эмас.

Вужудга келтирилган шаҳарларда кўплаб саноат корхоналари қурилиб, ишга туширилди. Собиқ Иттифоқ даврида бу корхоналарда ишлаш учун ишчи ва мутахассис кадрлар бошқа минтақалардан таклиф этилди. Маҳаллий миллат кишиларининг эса малакасизлиги рўкач қилиниб, айрим ҳоллардагина ишга қабул қилинди. Ишчи кадрларни маҳаллий аҳоли ичидан тайёрлашдан кўра, марказий шаҳарлардан тайёр кадрларни келтиришни афзал деб билган мутасадди раҳбарлар ҳам ўзлари учун осон, лекин маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашни чигаллаштирадиган йўлни тутдилар. Ҳолбуки, бу даврда республикамизнинг ўзида минглаб ишсизлар бўлиб, бир томонлама йўналтирилган хато миграция сиёсати оқибатида республикадаги демографик вазият янада оғирлашди. Эндиликда шаҳар типидаги кўплаб аҳоли пунктларида маҳаллий ресурслар ва хом ашёдан фойдаланиш ҳисобига ишлайдиган корхоналар қуришга катта аҳамият берилмоқда. Бу билан ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси ҳал этиляпти.

Ўзбекистон аҳолиси кўп йиллар давомида бир меъёрда кўпайиб борди. Маълумотларнинг далолат беришича, республикамиз тарихида аҳоли кўпайишининг энг юқори суръати ҳозирги босқичга тўғри келади. Олдинги ўттиз йиллик давр мобайнида Ўзбекистон аҳолиси 3,5 млн. кишига ортган бўлса, кейинги ўттиз йил ичида 12 млн. кишига кўпайди. Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах ва Хоразм вилоятларида аҳоли сони бошқа вилоятлардагига нисбатан анча тез ўсди. Андижон, Сирдарё, Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида бу кўрсаткич ўртача, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида эса аҳоли сони нисбатан суст ўсди. Аҳоли ўсишининг вилоятлараро бундай фарқини, умуман олганда ижобий баҳолаш лозим. Чунки республика ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий бир текис тақсимланиши, экологик муаммоларнинг бироз бўлса-да ҳал этилиши, туғилишнинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик характердаги қатор тадбирлар билан рағбатлантирилиб келиниши айрим туманларнинг тезроқ ривожланишини тақозо этади. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда ташкилотлар узоқ муддатга мўлжалланган тадбирлар дастурини ишлаб чиқишлари, амалга оширишлари зарур. Бундай тадбирларда меҳнатга яроқли кишиларнигина эмас, балки ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишни истовчи ва уддаловчи ногиронларни ҳам касб-ҳунарга ўргатиш, ишга жойлаштириш масалалари кўзда тутилиши лозим.

Ўзбекистонда аҳоли ниҳоятда зич яшаётганлиги билан боғлиқ муаммо айниқса ташвишли. Республикамизда ҳар квадрат-километр ҳудуд ҳисобига аҳолининг зичлиги ортиб бораётган бир пайтда бу кўрсаткич Фарғона водийси вилоятларида, шунингдек, Тошкент ва Хоразмда айниқса юқори.

Аҳоли зич жойлашган Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида экологик ва ижтимоий вазиятнинг ҳолати регионал ривожланишнинг дастурларини тузишда аҳолининг жойлашув масалаларини ечишни талаб қилади. Айниқса, республикамизнинг аҳоли зич жойлашган воҳаларидаги аҳоли жойлашувидаги ўзгаришларни ўрганиш, бу жараёнларни тўғри баҳолаш катта аҳамиятга эга.

Маълумки, Ўзбекистон барча аҳолисининг 60 фоиздан ортиғи халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 37 фоизга яқини қишлоқ жойларида яшайди. Қишлоқ аҳолиси сони табиий кўпайиш ҳисобига йилдан-йилга ортиб бормоқда. Республикада ҳар йили қарийб 300 минг киши меҳнатга қобилиятли ёшга етади. Буларнинг асосий қисми қишлоқ жойларда яшайди. Шунинг учун ҳам ишсизлик каби ижтимоий муаммо бу ерларда анча жиддий тус олиб бормоқда.

Президент Фармони билан одамларга ер берилиши иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг дастлабки энг қийин йилларида зарур, ниҳоятда кескин муаммоларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнади. Шахсий ёрдамчи хўжаликларни мустаҳкамлаш борасида туб чора-тадбирлар кўрилганлиги туфайли меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан банд бўлмаган ортиқча қисмини, асосан қишлоқда яшаётган хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишга, шу тариқа ишсизликнинг кучайиб бориш хавфини бирмунча барҳам топтиришга эришилди. Шундай бўлишига қарамай, республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг иккинчи босқичида қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш, ортиқча иш кучини жалб этиш мақсадида кичик корхоналарни барпо этиш ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Ҳозир қишлоқ хўжалигида банд бўлган уч миллион 600 минг меҳнатга яроқли одамнинг 2,5 миллион нафарини бемалол саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтказиш мумкин. Чунки, ижтимоий меҳнатда банд бўлганлар сони ёшлар ва нафақадорларнинг умумий сонидан анча паст. Шу боис, аввало, фаол демографик сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этади. Бу сиёсат аҳолининг ўсиш суръати юқори бўлган жойларга марказлашган маблағ ва ресурсларни тақсимлаш ҳамда қайта тақсимлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унинг самарадорлигини ошириш, меҳнатга яроқли аҳолини ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилишни яхшилаш, шу мақсадда уларни тармоқ, ҳудуд, корхоналар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, ўрта ва майда корхоналарни кўпайтириш, аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, болаларга бериладиган нафақаларни ошириш, туғиш ва ҳомиладорлик даври муддатини кўпайтириш, оилани мустаҳкамлаш, иш жойларидаги маънавий муҳитни яхшилаш каби йўллар билан амалга оширилади.

Умуман олганда, Ўзбекистон аҳолисининг ўсиши, миллий таркибидаги ўзгаришларни таҳлил этар эканмиз, шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, узоқ йиллар демографик вазиятга етарли эътибор берилмади. Фақат мустақиллигимиз шарофати билан республикамиз ҳаддан ташқари оғир бўлган демографик юкни бироз енгиллаштиришга, барча соҳалардаги қийинчиликларни бартараф этишга эришмоқда. Иқтисодий, сиёсий, экологик, демографик ва бошқа соҳалардаги қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон давлати раҳбарияти ўз ҳудудида яшовчи барча миллат ва элатларга тенг сиёсий ҳуқуқларни, ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланишида барча имкониятларни яратиб келди, келмоқда.

Дилором БОБОЖОНОВА,
тарих фанлари номзоди.

Спорт

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА

• ИСТАМБУЛ шаҳрида кураш бўйича 16-17 ёшли ўсмирлар ўртасида халқаро мусобақа ўтказилди.

Беллашувларда Озарбойжон, Беларусь, Қозоғистон, Молдавия, Россия, Болгария, Венгрия ҳамда Эрондан келган умидли спортчилар ўзаро куч синашдилар. Ўзбекистондан беш нафар эркин курашчи, икки нафар грек-рум усулида беллашадиган вакилларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилдилар. 46 килограмм вазнда Александр Недорезов эркин кураш бўйича беллашувларни финалгача давом эттирди. Ҳал қилувчи беллашувда эронлик М. Ризога имкониятни бой бериб, кумуш медаль олди. Унинг жамоадоши Эркин Тожиматов фахрли ўринлардан бирини эгалламаган бўлсада, келаси йили жаҳон биринчилигида иштирок этадиган бўлди.

ФИНАЛЧИЛАР МАЪЛУМ

• ЎЗБЕКИСТОН кубоги учун ярим финал учрашувлари ўтказилди.

«Навбаҳор»—»Нефтчи»— 5:0 (3:0), МҲСК — «Суғдиёна» — 4:1 (1:1). Ана шу ўйинлардан кейин финалда «Навбаҳор» ва МҲСК жамоаларининг ўзаро учрашиши маълум бўлди. Куни кеча эса Осиё кубок эгалари кубоги учун баҳслашаётган «Янгиер» жамоаси сафарда Бағдоднинг «Талаба» жамоасига 0:2 ҳисобида ютқазиб, учрашувни давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Биринчи ўйинда футболчиларимиз 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишган эди.

«КУШОН» ОЛИЙ ЛИГАДА

• МАЪЛУМКИ, «Нефтчи», МҲСК, «Навбаҳор» жамоалари олий лига миллий чемпионатининг совриндорлари бўлишди.

«Темирйўлчи» ва «Чирчиқ» футболчилари олий лига билан хайрлашдилар. Ана шу ўринлардан бирини Косонсойнинг «Кушон» жамоаси эгаллайдиган бўлди. Бу жамоа ўтиш баҳсининг 9-турида Урганч динамочиларини қабул қилиб (2:1), жами очколарини 48 тага етказган ҳолда муддатидан олдин олий лигага йўлланма олди. Иккинчи йўлланмага «Динамо», «Чилонзор», «Зарафшон», «Прогресс» футболчилари талабгорлик қилишмоқда.

Ғаройиб дунё

АТИР ИЛОН

Одам боласига хуш ёқадиган атир ҳидини бу рангбаранг очунда кўпинча гуллар туҳфа қилади бизга. Бинафша, атиргул, ток гули ва ҳоказо. Гулларнинг умрига униб-урчишига ва умуман, ўзига керак бўладиган атир бўйига одам боласи ҳам бесўроқ бурнини тутгани қизиқ. Устига устак ўзи ҳидлагани етмагандай ҳид соҳибининг бандидан узиб, яна суйганини сийлайди. Бировнинг бисотини кўрсатиб, эвазига кўнгил олишнинг ўзгинаси эмасми бу?

Эҳ-ҳе, бу ҳали ҳолва. Жумлайи жонзоднинг худо берган ризқига шерик бўлишдан қўрқмаган одам юришга оёғи, тутишга қўли йўқ заифа гулни ҳидлашдан тийилармиди? Ва лекин яна бир истиҳола. Балки ўша хушбўй деб билганимиз атир ҳиди одам боласининг бурнидан бошқасига ёқмас.

Тангри таоло одамзоднинг шарофати ила яратган бу курраи заминда ўзидан доимо ёки вақтинча атир ҳиди таратиб турадиган биргина гуллардан бошқа яна турли жонзотлар ҳам борлиги кузатилган. Баъзи тулкилар урчиш пайтида бинафша безидан атир ҳиди тарқатар экан.

Мен баён қилмоқчи бўлган ноёб ҳодиса эса гулларда ҳам, тулкиларда ҳам эмас, одам боласи турқи тароватини кўришдан ёки номини эшитган ҳамон баданига чумоли ўрмалаб қоладиган илон наслидан бўлгани қизиқ. Дарвоқе, табиатда АТИР ИЛОН учрайдими? Манбаларни варақлайман: Билмадим, менинг кўзим тушмади. Лекин болалик пайтимдан то ҳозиргача оиламизда атир илон ҳақида гап-сўз бўлади. Ёшлигимда қишлоғимиздаги Ғурқабулоқсойда ёзги боғимиз бўларди. Момом ҳам, отам ҳам шу жойда атир илон бўлишини ва уни кўп марта кўрганини айтиб берган. Атир илон тўрт-беш қарич узунликда, бош бармоқ йўғонлигида ўта рангдор ва каштали бўларкан. Улар боғ четида қапдай ўсиб ётган наъматаклар устига яшил рўмол бўлиб ёпирилган ёввойи токлар остида яшар, боғдаги ҳовлида супалар устига, ҳовузлар бўйига кунда бир-икки чиқиб юрганида теварак атрофни атир ҳиди тутиб кетаркан. Уларга ҳеч ким халақит бермас, илонлар ҳам бировга зиён-заҳмат етказмас, аксинча бинафша атир бўйи ҳавога таралиб боғ соҳибларининг кўнглини яйратиб юборар экан.

Отамдан сўрайман:

— Илонларни бу ҳид таратиши балки вақтинча «қўшилиш» пайтида бўлгандир?

— Унисига эътибор қилмаганман. Раҳматли бобонг ва момонглар ҳам билишарди. «Бехосдан ўлдириб қўйманглар», деб тайинлашарди. Бирортамиз атир илонга тегинмасдик. Қишлоқнинг бошқа жойида учратганим йўқ. Бошқалар ҳам учратмаган...

НУР ЭМГАН ҚУШЛАР

Тоғ бургутлари жудаям баландда, чўққилар кўзида, гўё кўз қорачиғида макон қуришади.

Қашқадарё томонларда уч жойда — Жовуз, Қизил, Ҳисор чўққисида бургутлар яшайди. Уч жойдаям уларнинг уяси атрофи «оҳак суртиб оқланган». Учаласиям кун чиқар тарафда.

Сабаби: Бургутлар қуёшни яхши кўришади. Ҳамма жонзотлар олдин қуёшни кўриб, унга «салом» беришни хуш кўришади.

Уларга шундай ўргатишади. Уялари шунчалар ёруғки, бошқа бирор қуш кўтаролмайди.

Эрталаб чиқаётган офтоб деярли ҳар куни, ҳар фаслда бор бўйини кўрсатиб, бўйлаб ўтади.

Полопонлар ҳам эртадан кечгача нурга чўмилиб, нур ютиб улғаяди.

Бахтиёр РАҲМОНОВ.

Устанинг сўзи — ишнинг кўзи

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Муддати ўтиб қолган батареяларга болғача билан оҳиста уриб, уни ҳар томонидан омбир билан қиссангиз қайта кучга кириши мумкин.

***

Сарғайиб кетган кирни қайнатганда нашатир спирти қўшсангиз (10 литр сувга бир ош қошиқ) тез очилади.

***

Агар сувга бир-икки қошиқ борот кислотаси қўшсангиз унда икки соат оқ пайпоқ, голфи каби буюмларни ивитсангиз жуда яхши ювилади.

***

Крахмалга озгина туз қўшишни унутмасангиз кирларингиз ярақлаб кетади.

***

Туз дазмолни тозалайди. Шунинг учун қиздирилган дазмолни туз сепилган қоғоз устидан бир-икки марта боссангиз топ-тоза бўлади.

***

Сунъий шойидан қилинган буюмлар (кўйлак, блюзка ва бошқалар) буюмларни дазмоллашда сув пуркаманг — доғ қолиши мумкин.

ТУННИ ИККИГА БЎЛГАН САДО

10 ноябрь — Милиция ходимлари куни

Баъзан қизиқ, баъзан ҳайратли туюлади бизга уларнинг иши. Аслида милиционернинг ҳар қадамида хавф, масъулият бор. Айниқса, жиноят қидирув хизмати ходимлари — негаки улар қотиллар, босқинчилар, талончилар, товламачилар, гиёҳвандлар, номус ўғрилари, уюшган ва оғир жиноят қилганлар билан кунда рўбаро бўладилар. Ана шундайлардан бири Ўзбекистон ИИВ Жиноят қидирув Бош бошқармасининг катта тезкор вакили, милиция майори Ҳотам Ортиқовдир. У дуч келган, фош этган жиноятларнинг тури кўп...

ОТАСИНИНГ ЗАВОДИМИДИ?

Камдан-кам одам қўлбола ароқ дўконларда сотилишига ишонарди. Бу маҳсулотни фақат давлат чиқаради, деган тушунча ҳали бор эди-да. Лекин...

— Фалончи тўйда озгина ичган экан, касалхонага тушибди.

Бу хилдаги гаплар эса гоҳ у бурчак, гоҳ бу бурчакдан қулоққа чалинарди.

Тўғрими, нотўғрими бу? Аниқлаш керак эди, албатта. Аммо шамол бўлмаса, дарахтнинг барги қимирламайди.

Шамол эса Зарбдор тумани томондан эсарди. Дарров бутун имконият ишга солинди. Бир ой давомида тезкор-қидирув ишларини олиб бордилар.

Ахийри калаванинг учи топилди. Ростданам қонунга хилоф равишда қўлбола ароқ чиқараётганлар бор экан. «Заводнинг директори» — муқаддам бир неча бор судланган, ижтимоий фойдали меҳнат қилмайдиган Ҳ. жиноят устида қўлга олинди.

Устамоннинг уйидан 8500 шишада қўлбола ароқ, 27000 шиша минерал суви топилди. Ҳали «заводда» ишлатилмаган 400 литр спирт ҳам далилий-ашё сифатида олинди.

Инсон саломатлигини хавф остида қолдирадиган бу жиноятчиликка Ҳ. Ортиқов бошчилигидаги ходимлар ўта жиддий ёндошдилар. Натижада ясама ароқ сотилган дўконларгача аниқланди ва айбдор «ҳақини олди».

ИПНИНГ УЧИ УЗУН, АММО...

Икки киши учрашиб қолса албатта бир-биридан сўрарди.

— Пахта тозалаш заводи «ўтириб» қолгани ростмикин?

Ҳақиқатдаям номдор завод иқтисод жиҳатдан анча оғир вазиятга тушиб қолади. Бунинг сабабини аниқлаш керак эди. Шундай бўлдиям.

Олиб борилган тезкор-қидирув ишларидан сўнг кўп сирлар фош бўлди. У ерда катта миқдордаги талон-торожлик, суистеъмолликлар илдиз отибди денг. Кечиктирилмасдан П. исмли шахс бошчилик қилган гуруҳ фош қилинди. Бу нафс бандаларининг заводдан умумий келган ўта катта миқдордаги — 1 миллион 700 сўмга яқин маҳсулотлари Самарқандда ушланди. Ашёвий далиллар Дўстлик пахта тозалаш заводига қайтарилди.

ФОРМА КИЙИБ ОЛИБДИ, ДЕНГ

Ваҳимали шов-шув Тошкентда тез тарқалди.

— Милиция кийимида юриб, босқинчилик қилишаётганмиш.

Тўғриси, уша кезлари киши кимга ишонишини билмай қолди. Юзларда қўрқув, ҳадиксираш. Бу айниқса, осойишталик посбонларини саросимага солиб қўйди.

— Милициянинг нуфузи ортаётган пайтда бу не ҳол!

Биронтаям из қолдирмаслигидан ўша муттаҳамларнинг устамонлиги билиниб турарди. Лекин топиш керак!

Бошланди сўраш-суриштириш. Мана-ман деган мутахассислар жалб қилинди. Пишиқ-пухта режа асосида ҳаракатда бўлдилар.

Миш-мишлар давом этаётган кунларнинг бирида бу «операция»га нуқта қўйилди. Уз атрофига ҳар хил жиноий унсурларни тўплаб олган ҳам ДАН «ходими», гоҳ жиноят қидирув «ходими» қиёфасида юрган босқинчи, талончи А. Ў. гуруҳининг куни битди.

Халқ тинчини бузган бу бадкорлар беш нафар бўлиб, ўндан ортиқ жиноят содир этган экан. Ҳаммаси фош бўлди.

ОҚШОМ КЎПАМ ПУЛ ДЕМА

Жиноятчиликка қарши курашда асосий муаммолардан бири гиёҳвандлар ва улар содир этган жиноятларнинг олдини олишдир. Негаки, бўлаётган оғир жиноятнинг аксарияти ана шу туфайлидир. Чунки гиёҳвандлик кишилар орасида тез тарқалиш майли бор касаллик, офат, жиноятдир.

Қўйидаги жиноят ҳам гиёҳванд моддасини истеъмол қилганлик оқибатидир.

Тунда бир гуруҳ жиноятчилар юзларига ниқоб кийиб, қуролланган ҳолда Самарқанд вилоятининг Оқдарё тумани Қоратери қишлоғидан ўтиб кетаётган, йўловчилар ташишга мослаштирилган «Урал» русумли автомашинани қувиб етадилар. Икки марта ўқ отиб уни тўхтатадилар. Машина тўхтагандан сўнг ҳайдовчи ва унинг акасига яна ўқ ўзиб, дўқ-пўписа қилишади. Тан жароҳати етказадилар. Сўнг йўловчиларни қўрқитиб, улардан 100 минг сўмга яқин пул ва буюм, ҳужжатларини тортиб олишган.

Бу жиноятни очиш учун Жиноят қидирув Бош бошқармасидан тезликда тажрибали ходимлар — милиция подполковниги Б. Саидов ва яна милиция майори Ҳ. Ортиқовлар Самарқанд вилоятига юборилди. Вилоят жиноят қидирув ходимлари билан биргаликда олиб борилган тезкор саъй-ҳаракат туфайли одамлар орасида шов-шувларга сабаб бўлган жиноят очилди. Жиноий гуруҳнинг бошлиғи М. исмли «хавфли рецидивист» бўлиб чиқди. У ўзининг атрофига тўққиз кишини бирлаштириб, ўндан ортиқ жиноят содир қилгани аниқланди. Гуруҳ аъзоларининг ҳаммаси муккасидан кетган гиёҳвандлар экан. Шу тариқа Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларидан Тошкент шаҳрига тижорат қилиб келаётган шахслар ҳаётига тажовуз қилиб келган бир гуруҳнинг жиноий фаолиятига чек қўйилди.

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА

Юқоридаги фактлар кўрсатиб турибдики, жиноятчиликнинг кўринишлари кўп. Унинг илдизини топиш эса вақт, бардош, жасорат, малака талаб қилади. Қолаверса, фидойи мутахассисларни кўпайтиришга зарурат сезилади.

Шунинг учун ҳам ИИВ Жиноят қидирув Бош бошқармаси ҳозир тўртта бошқармадан иборат. Унда билимдон, ҳозиржавоб милиция ходимлари жипслашган.

— Бизнинг ишимиз жиноятнинг очилиши билан баҳоланади, — дейди Ҳотам Ортиқов, — ҳамкасбларимнинг барча-барчасини эса тугуннинг учини топа биладиган мутахассис сифатида кўраман. Бошқармамизда жиноят-қидирувга мос ходимлар кўп, ҳалоллигини яна таъкидлагим келади.

Иши тушган одам билади. Жиноятчини тутиш осонмас. Айниқса хавфлиларига дуч келиш ҳаёт-мамотдир. Лекин шунга қарамай ўз касбига содиқ бўлаётган жиноят қидирувнинг довюрак мутахассис-ходимларига тан бермай илож йўқ. Юқорида улардан бири—Ҳ. Ортиқов дуч келган фактларни айтдик, холос.

Қурбон АЛИ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

ТАНАМИЗ НИМАЛАРГА ҚОДИР?

Инсон юраги ҳаёт давомида жуда кўп энергия сарфлайди. Бу энергия билан 58,5 тоннали юкни 910 метр баландликка кўтариш мумкин.

Инсон бошида тахминан 120-130 минг дона соч толаси бор. Умри давомида одам бошидан 1,5 миллион дона соч тўкилади ва ўсиб чиқади.

Бир соатда одам миясида 600 мингга яқин кимёвий жараён содир бўлади.

БОШИ ТОШДАН

Испаниянинг Гранада шаҳри фуқароси Алехандро Осорнос тўпни боши билан ўйнаётган футболчиларни кўрса, мийиғида кулиб қўярди. Бунинг сабаби бор. Чунки футбол тўпини эмас, балки уч килограммгача бўлган турли тошларни бемалол 4—5 метр масофадан боши билан қабул қила олади. Маълум бўлишича, Осорноснинг бош суяги оддий одамларникига нисбатан бирмунча қалин экан.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ
тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Ҳайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0490.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи Ҳ. ЭРМАТОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.